



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3073-3
2021 - yil 04 - may

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон буйруғи (рўйхат рақами 3073, 2018 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.10.2018 й., 10/18/3073/1977-сон) билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.
2021 йил 15 апрель,
118 сон



Bobojonov P. R.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар
вазирининг 2021 йил 15
апрелдаги 118-сон
буйруғига ИЛОВА

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги “туман (шаҳар) маъмурий судининг” деган сўзлар “жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 133-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“133. Маъмурий қамоққа олинган шахслар билан қуйидаги шахслар учрашишлари мумкин:

адвокат – у адвокат гувоҳномасини ва ўзининг муайян ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ордерни кўрсатганда;

қонуний вакил – маъмурий қамоққа олинган шахснинг қонуний вакили эканлигини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда;

маъмурий қамоққа олинган шахснинг қариндоши ёки бошқа шахс – ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда.

Ушбу бандда санаб ўтилган шахслардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.”.

3. 150-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“150. Махсус қабулхонада сайлов участкасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуни асосида амалга оширилади.”.

4. 3-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Барча турдаги ўқотар ва совуқ қуроллар ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар, шунингдек ўқ-дорилар.”;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳамда жиноят қуроли сифатида қўлланилиши мумкин бўлган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи, учи ўткирланган санчиладиган касбий ва хўжалик-маиший (пичоқ, бигиз, устара (электр устара бундан мустасно), қайчи ва бошқалар) ашёлар.”.